

ПОЭТИК АНЬАНА ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

МАТЁҚУБОВА ТОЗАГУЛ

Филология фанлари номзоди, доцент, Низомий номидаги ТДПУ

Аннотация. Уибу мақолада академик ўзбек шоир Гафур Ғулом (1903–1966) шеъриятига Шарқ адабиётининг таъсири масаласи ўрганилган. Шоир шеърлари таҳлили мисолида поэтик аньана ва ўзига хослик масаласи кузатилган. Гафур Ғуломнинг индивидуал үсүлни шаклланнишида Шарқ шеъриятига хос тасвир ва усуллар ҳамда образли фикрларнинг мухим ўрини тутганилиги ҳақида илмий-назарий фикр-мулоҳазалар илгари суриглан.

Таянч сўз ва иборалар: шеърият, лирик кечинма, тўйгу, фалсафий мазмундорлик, аньана, маҳорат, вори-сийлик, образлилик, соддалик, мотив, лирик қаҳрамон, дунёқараш, услуб, ўзаро таъсир, индивидуаллик, эстетик идеал, бадиий тасвирлар, гоя, мазмун.

Аннотация. В данной статье исследована проблема влияния восточной литературы на поэзию Гафура Гуляма. На примере анализа литературоведческого наследия поэта рассмотрен вопрос поэтической традиции и индивидуальности. Выдвигается мысль о роли изучения методов и стилей изображения восточной поэзии в формировании индивидуального стиля Гафура Гуляма. Сделаны научно-теоретические выводы.

Опорные слова и выражения: поэзия, лирическое переживание, ощущение, философская содержательность, традиция, мастерство, наследственность, образность, простота, мотив, лирический герой, мировоззрение, стиль, взаимодействие, индивидуальность, эстетический идеал, художественные изобразительные средства, идея, содержание.

Abstract. The impact of the Eastern literature to the poetry of the Uzbek academician poet Gafur Gulam has been investigated in this paper. The issue of poetic tradition and its specific feature have been observed through the model of his poems' analyses. Moreover, the scientific-theoretical opinions on the specific depiction style have been discussed concerning to the Eastern poetry, which have been ahead for formulation the individual style of Gafur Gulam.

Keywords and expressions: Poetry, lyric feeling, sense, philosophical richness, inheritance, figurativeness, simplicity, coherency, motive, fairy tale, oral epic, lyric character, outlook, style, cross impact, individuality, authentic ideal, literary-depictive means, idea, content.

XX аср ўзбек адабиётининг етук намояндаларидан бири академик шоир, истеъододли носир, моҳир таржимон, адабиётимиз тарихининг чуқур билимдони Гафур Ғуломдир. Унинг ижоди такомилида Шарқ адабиётининг таъсири бекиёсdir. Гафур Ғулом ижодига хос бўлган бир ибратли фазилат – бу Шарқ мумтоз адабиётига чексиз ҳурмат ва эҳтиром туйгусидир. Гафур Ғулом бутун ижоди мобайнида шу туйғуга содик қолган ва уни турли жанрдаги асарлари мазмунига сингдириб ўборган. Адабиётшунос А. Ҳайитметовнинг куйидаги фикрлари ҳам мулоҳазаларимизни тасдиқлади: “Гафур Ғулом ўзбек адабиётини, хусусан, унинг мумтоз қисмини умумий катта Шарқ адабиётининг бир бўлаги деб қарап, ўзбек адабиёти тарихини шу тарзда ўрганиши тарафдори эди”¹.

Гафур Ғулом ўзининг кўплаб шеърларида Шарқнинг етук намояндалари номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади, уларнинг юқсан маҳорат этаси эканликларини, ижодлари ўзи учун катта тажриба мактаби бўлганлигини таъкидлайди. Унинг шеъриятида кўплаб Шарқ шоирлари номлари бадиий ифодага айланаби, инсон рухиятини тасвирлашга йўналтирилган. Фалсафий-эстетик қарашларини образли ифода этишда Гафур Ғулом баъзан Шарқ шоирлари ижодига хос жиҳатлардан моҳирона фойдаланади. У “Сархисоб” шеърида Навоий, Бедил ҳақида қарашларидан ташбех яратишда фойдаланади:

Навоий байтидай тўлқинли ёшлик,
Бедилнинг шеъридай фалсафий умр,
Вазну қофияси мустаҳкам ҳаёт

¹ Ҳайитметов А. Мумтоз адабиётимиз билимдони // Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1997.

 SHARQ MASHLABI

*Роман ўқилгандай ўтиб бормоқда,
Этаги қўллардан кетиб бормоқда!*

ШеърдаFaфурFулом ёшликка хос шидатни Навоий байтларига, кексаларга хос фалсафиийликни Бедил шеърига киёслаш орқали бадиий аникликтни таъминлай олган. Ҳаётнинг абадий ўзгармас конуниятлари шеърнинг вазну коғиёси мустаҳкамлигига, умрнинг ўтиб бориши эса роман ўқилишига ўхшатилиши эса кутилмаган поэтик кашфиётдир. Академик С. Мамажоновнинг хотиралишича, Faфур Fулом билан мулоқотда бўлган вакътларida Бедилдан нималар ўрганганигини сўрганида шоир буюк санъаткордан чукур фалсафий мушоҳадакорлик ҳамда му бологали ўхшатишларни ўрганганигини айтган ва улуғ шоирнинг ўз ижодига таъсирини жузъий нарсалардан эмас, балки дунёни фалсафий идрок этишдан кидирмок лозимлигини таъкидлаган экан².

Дарҳакиқат, Мирзо Абдулқодир Бедил асарлари ҳамиша Faфур Fуломнинг ўйлодиши бўлган. Кўпинча бирор шеър ёзиш олдидан Бедилни ўқиб, ундан руҳий мадад олган Faфур Fулом устоз ижодий лабараториясига тобора чукурроқ кириб боришига интилган. У Бедилдан воқеилик бадиий идрок этиши ва ифодалаш усулларини, ҳаёт ва умр, инсон ва тақдир, азал ва абад ҳақидаги фалсафий фикр-карашларни залворли мазмунда нағис бадиий ифода этиши маҳоратини ўрганган. Шоирона бетакорлигини намоён этишида бедилона образлар, тасвир усуллари муҳим ўрин тутади.

Бедил моҳиятни данакнинг мағзиди кўради. Пўстлок эса маънони яширган шунчаки кобикқина, холос. Бошқачароқ айтганда, жисм эмас, балки руҳ бирламчиdir. Шоир бу фикр ифодаси учун табиатдан киёслар ахтарар экан, шундай ёзди:

*Ўз маъно қиссанин очган ул дона,
Илдиз ёриб отди ер ичра шона³.*

¹ Faфур Fулом. Муқаммал асарлар тўплами. 12 томлик. Т. 1. – Т.: Фан, 1983. 197-б.

² Мамажонов С. Услуб жилолари. – Т., 1972. 15-б.

³ Бедил. Рубойлар. Таржимон Ш. Шомуҳамедов. – Т.: Ўзбекистон, 1985. 23-б. (Изоҳ: маколада шоир ижодидан

Faфур Fулом ижодий меросида ҳам табиатнинг нозик жилваларини ғоятда синчковлик билан кузатиш асосида яратилган мисралар анчагина. Жумладан: “Қиррасига қўёш нурин кўчирган шабнам”, “Олти қирра қор парчанинг учиди Илганади кўёшчалар партираб”, “Ғунчадаги зарларнинг Тилларанг кукунлари Болга айланиб кўчар, Кўз илгамас томчидай” ва бошқа ўринларда бу ҳолат намоён бўлади. Аммо шоир ҳамиша ҳам табиатнинг гўзал лавҳалари тасвирига фалсафий маънолар юклашга уринмайди. Шунга қарамай, жайдари одамнинг кўзи билан илганмайдиган шабнамнинг кирраларига кўчмиш офтоб нурларининг жилосини, одий кор парчасининг кирраларинигина эмас, балки унда парцираётган күёшчаларни, ғунчанинг лабларидаги тилларанг зарларни шоирона нигоҳ билан кўра билмок, туймок ва ифода этмоқ унинг муаллифининг шоирона теран нигоҳлари ҳамда маҳоратидан тўла гувоҳлик бера олади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Faфур Fулом шеъриятига Бедилнинг таъсири унинг образ яратиш тамоилиларида ҳам кўринади. Кўпинча шоир мавҳум тушунчаларни образга айлантириб, ҳаётий ва реал нарслардек санъаткорона тарзда моддийлаштиради. “Хаёл”, “умид”, “ишионч”, “доғ”, “қалб”, “кўнгил”, “дил”, “шодлик”, “гам”, “дард” ва бошқа қатор образлар бунга мисол бўла олади.

Бедил ва Faфур Fулом шеъриятида энг кўп учрайдиган образлардан бири “нафас”-dir. Бу образ ҳар иккала шоир ижодида гоҳ ўз маъносида, баъзан эса рамзий маънода кўлланилган бўлиб, лаҳзалик умр ва умуман, ҳаёт ва яшаш рамзи, борлик мавжудлиги ҳамда муайян тарзда низомга бўйсундирилганлигининг асоси сифатида талкин этилади. Зеро, Бедил бир рубоийсида уни “Борлиқнинг бунёди бемадор нафас”, дея ифода этиди. Яна бир ўринда эса: “Жаҳон тартиботи

келтириладиган шеърий парчалар шу нашрдан олинниб, қавс ичида сахифаси кўрсатиб борилди).

SHARQ MASL'ALI

бирликка эга, Бу бирлик шубҳасиз нафасинг-да жас”, – деб ёзади.

Лирик қаҳрамоннинг тушкун кайфияти ифодаланган ўринларда шоир “нафас”ни ҳам шунга монанд тарзда кўллади. “Нафас ҳун бўлди-ю, лабда йўқ фарёд, муродга етмади бу дили ношод”. Лирик қаҳрамон нафасининг хун бўлиши унинг муродига ета олмагани, изтиробларини ошкор этмаса-да, қалби ғамлар юқидан эзилганидандир. Баъзан шоир инсон табиатидаги янгиликка иштиёқмандлик ва унга бўлган ижтимоий бефарқликни тасвирлашда ҳам “нафас” образидан фойдаланади. “Бу дунёда ҳар дам янгилик ҳавас, Эскириб чиқади ҳар янги нафас”.

Кузатувлар шуни кўрсатадики, “нафас” образиFaур Ғулом шеъриятида ҳам кенг истифода килинган. Шоир бу образга мурожаат этишда устоз Бедил таъсири доирасидагина қолиб кетмай, ўзига хослигини ҳам намоён кила олади. У “нафас” образини вакт – ўткинчи ва абадиятга дахлдорлик ҳамда лаҳза – инсон умрийнинг энг кичиги бирлиги сифатида талқин этади. Мазкур образ воситасида ҳаёт завки, яшашига иштиёқмандлик, келажакка умидворлик ғояларини бадиий ифодалайди. “Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг” деганда шоир умр мазмуни лаҳзада мужассамлиги фикри кўламини фазовий қаровларда олиб қарайди. Шоир “Ҳар болам уфурган нафасин атри – Шеъримнинг энг етук, энг яхши сатри” деб ёзар экан, шеъриларига илҳом берган оиласиий ҳаёти, оталик ғурури, мамнунлик туйғуларини изҳор этади.

Faур Ғулом лирик меросида шундай ўринлар ҳам мавжудки, “нафас” образи аник макон ва замон тушунчаси билан боғлиқликда идрок этилади. Инсон умрининг асосий мазмуни ва рух осойишталигининг гарови сифатида таърифланади. “Инсон нафасидан жонда осойиш, Умр бемазмундир замон бўлмаса” сингари мисралар фикримизнинг далилидир.

Шоирнинг “Тонг отди” номли шеърида шундай сатрларни учратамиз:

Умримнинг таноби чўзилмаса бас,
Номардлар истайди ҳайвонлар умрин.

Яна юз йилларга етади нафас,
Мендан сўраб кўринг яшаши гурурин...
Яшамоқ шириндир, яшамоқ ширин¹.

Лирик қаҳрамон умр мазмунини баҳолар экан, мазмунсиз тарзда узок умр суриш истаги ўз хузур-халоватинингина кўзловчи номард кимсаларнинг инстинктив илинжи бўлиб, ҳайвоний моҳиятга эга. Инсон шундай яшамоғи керакки, умр мазмуни босиб ўтилган йилларнинг миқдори билан эмас, балки келажак насллар бир неча юз йиллар давомида гурур ва ифтихор тудиган, абадиятта дахлдор моҳияти билан белгиланади. Шоир бу ўринда “нафас” образи орқали инсонга ато этилган тирикликни, хусусан, ўз ижодий йўли ва меросининг мангаликка дахлдорлигига ишончини, кенг маънода эса, умуман, умр мазмунини ифода этади.

Академик Б.Назаров шоир ижоди ҳақида сўз юритар экан, шундай ёзади: “Умр фалсафаси, ҳаётнинг кадрига етмоқ ва уни ардокламоқ фалсафаси шоирнинг бутун ижоди бўйлаб ўтади ва айниқса, поэтик образлар киёсида ўзининг бор гўзаллиги билан намоён бўлади”². Faур Ғуломнинг ўзига хос образли ифодалар яратишида Умар Хайёмнинг таъсири кузатилади. “Булбулнинг кўзидаи ноль тўғаракка, Бир бутун коинот суга олади” (“Инсоният программаси”) байтидаги образли тафаккурда Умар Хайёмнинг “Тўғарак жаҳонни узук деб билсак, Шаксиз унинг кўзи – гавҳари ҳам биз” мисраларининг таъсири сезилади. Умар Хайём тўғарак жаҳонни узук, инсониятни эса узук кўзи – гавҳари деб билса, Faур Ғулом образли тафаккур кудрати булбулнинг кўзидаи ноль тўғаракка бутун коинотни сиғдира олади. Зотан, донишманд Шарқнинг ҳар бир ижодкори бир-бираига устоз, бир-бирига шогирд мақомидадир.

¹ Faур Ғулом. Муқаммал асарлар тўплами. 12 томлик. Т. 3. – Т.: Фан, 1984. 138-б. (*Изоҳ: Маколада шоир ижодидан келтириладиган шеърий матнлар шу нашрнинг 1, 2, 3-томларидан олинниб, кавс ичидаги саҳифаси кўрсатиб борилди.*)

² Назаров Б. Faур Ғулом олами. – Т.: Фан, 2004. 11-б.

SHARQ MASN'ALI

Умар Хайём: “Тўнкарилган жомдаи қўри-
нар осмон, Остида забундур кимки билагон”
дэя осмонни тўнкарилган жомга ўхшатиб,
донишмандлар жаҳолат каршисида бекадр-
лигини ифода этади.Faafur Fулом эса “Ин-
соният программаси” шеърида: “Боши баланд-
лигига кўкни ўхшатомайман, Осмон деган
нимадир? – Тўнкарилган эски тос” дейиши ор-
қали мағрур инсон бошининг улуғворлиги
олдида ҳар қандай маконий юксаклик ҳеч нарса
эмаслиги, жаҳолат, албатта, маҳв бўлажагини
гуур ви ифтихор билан ифода этади.

Умар Хайём ўз шеъриятида “май”, “бода”,
“шароб”, “коса”, “соқий” сингари тасаввуфона
на рамзий образларга фаол мурожаат этган
бўлиб, улар орқали шоир илоҳий ишкни улуғ-
лайди. Ҳак маърифатини, лирик қаҳрамоннинг
турфа хил кечинмаларини ёритади. Бундай
анъанавий образлар Faafur Fулом шеъриятида
ҳам учрайди. Шоир мазкур образларни ўз замонига
мос ҳолда қўллаб, яшаш шавки, ҳаёт
гўзалигини улуғлаш каби янгича маъноларни
ифодалаган. Умар Хайём ёзди:

*Май ичамен, мастилик қўлмаймен асло,
Қадаҳдан ўзгача? бўлмайман бало.
Бода ичишлиқдан менинг гаразим –
Ўзимга сен каби қўймаслик бино!*

Хайёмининг юкоридаги шеърида “май” ис-
тиюра сифатида қўлланилган бўлиб, “май” – ха-
қиқий ишк, “коса” эса маърифатиди. Ишкка му-
блало бўлган кишининг инсоний фазилатлари
орта боришини назарда тутсак, шеърдаги ошик-
нинг май ичишдан кўзлаган мақсади аён бўлади.
Рубойнинг мазмунини шундай тушуниш мум-
кин: “Мен қанчалик ишқа мубтало бўлсан, ҳа-
қиқат маърифати билан кўнглимни тўлдираман.
Ишқа мубтало бўлишимнинг боиси, бошқалар
каби ўзимга бино қўймаслик, яъни инсонийлик
фазилатларимни сақлаб қолишидан иборатdir”.

Умар Хайём шеърларида “май” ва у билан
боғлиқ образлар ниҳоятда кўп қўлланилиб,
улаarda ботинан Ҳакни таниш, ўзликни англаш,

ҳақиқат маърифатини идрок қилиши ғоялари
улугланган. Назаримизда, мазкур образ Faafur
Fулом шеърларида учрайдиган “соқий”,
“май”, “шароб”, “қадаҳ” образларининг яра-
тилишига муайян даражада таъсир кўрсатган.
Албатта, бир қараашда Faafur Fулом ижодий
меросидаги мазкур образлар билан боғлиқ
ўринларда зоҳирий маънога урғу берилгандек
туюлади. Яъни, улар воситасида яшамоқ, ва
курашмоқ, ҳаёт завқини кўйлаши назарда ту-
тилгандек таассурот пайдо бўлади. Аммо Faafur
Fулом шеърларини синчковлик билан
кузатсан, “май” ва унинг маънодощлари қўл-
ланилган ўринларда рамзий маъно ҳам ифодаланганлиги аён бўлади.

Faafur Fулом ўзи яшаб турган давр ман-
зараларини чизища “соқий” ва «шароб» об-
разларига мурожаат қилган. Бундай ўринларда
мазкур образлар рамзий моҳият касб
этади. Шоир “Кутлуғ ишл тонгида” шеърида
шундай ёзди: “Соқий, менга сун қадаҳ, йи-
гирманчи асринг Ичган сари кишини ҳушёр
этар шаробин” (2 т. 224 б.). Ушбу мисралар
зоҳирий маънода шароб ичиш туфайли
түғилган туйгулар ифодасидек таассурот
қолдириши ҳам мумкин. Эътибор берилса,
унинг мазмунида кўпмъонилик мужас-
самлашгани аён бўлади. Шеърдаги “соқий” –
ҳаёт, “қадаҳ” – инсонга берилган умр,
“шароб” эса замон деб тушунилиши мум-
кин. Зоро, инсон ҳаётда яшаш давомида тўп-
лаган тажрибаларидан сабоқ чиқариб, тобора
ҳушёрроқ бўла боради. Айниқса, кўз қўриб,
кулоқ эшитмаган талотумларни бошидан ўт-
казган XX аср кишиси ҳамиша сергак бўлиш-
га мажбур. Демак, шеърнинг лирик қаҳрамони
давр воқеаларига ниҳоятда ҳушёрлик билан
караши, ҳаётнинг аччик кийинчиликларини
кўрган сари эҳтиёткорроқ бўла бориши ҳа-
қидаги фикрлари билан ҳозирги даврда яша-
ган инсон кўнглини ифодалайди, реал турмуш
манзараларини акс этиради.

Умуман, Faafur Fулом ижодий меросига
Шарқ шоирларининг фалсафий-эстетик ва
поэтик таъсирин сезиларли тарзда кечган. Са-
лафлар ижодий меросидан баҳрамандлик
шоирнинг ҳаёт воқеилигини фалсафий идрок

¹ Умар Хайём. Рубоийлар. Тарж. Ш. Шомухамедов. –
Т.: Faafur Fулом, 1970. 99-б. (Шоир меросидан келти-
риладиган шеърий намуналар шу нашрдан олинниб,
кавс ичилда сахифаси кўрсатиб борилади).

SHARQ MASH'ALI

этиши, умуминсоний ғояларни талқин қилиши, образ яратиш принциллари, бадиий ифода усулларида кузатилади.

Шубҳасиз, замон ва макон жиҳатидан фарқланувчи ижодкорлар меросидан адабий таъсирланиш билвосита тарзда кечувчи жараён бўлиб, биз юкорида кузатган айрим муштаракликлар Faур Ғулом ижодий меросининг адабий анъанага бўлган муносабатини тайин этиш, шунингдек, тамомила индивидуал поэтик сержилолиги, бадиий-фалсафий ўзига хослигини англашда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, Faур Ғулом шеърияти гоявий-бадиий ва поэтик юксакли-

гига устозлардан маънавий озиқланиш ўзига хос ўрин тутади.

Кузатувларимиз шуни кўрсатадики, шоир мумтоз адабий мероснинг етук билимдони бўлган. Унинг теран таҳлилларга асосланган адабий-танқидий мақолалари, маърузалари, шеърларида мумтоз адабиёт анъаналаридан маҳорат билан фойдаланганлиги – бу фикрларни тасдиқлайди. Faур Ғулом ва мумтоз адабиёт масаласини ўрганиш шоир ижоди манбаларини аниқлашга, асарларининг ўзига хос қирралари ва бадиий хусусиятларини тушунишга ёрдам бериши шубҳасиз.

XX АСР МАНБАЛАРИДА МУАММО ЖАНРИ

ЖЎРАЕВ ЖАЛОЛИДДИН

Филология фанлари номзоди, ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи

Аннотация. Мақолада кичик шеърий жанрлардан бири бўлган муаммонинг XX аср ўзбек адабиётидаги ҳолати, бу жанрда юқори қўлган муаллифлар ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, улар томонидан яралашадиги асарларниң бадиийни, муаммо жанрида шакл ва мазмун ўзгарадиги, XX аср ўзбек адабиётида Тинч сўз ва изборлар: кичик шеърий жанрлар, муаммо жанри, бадиият, муаммо рисоласи.

Аннотация. В статье идет речь о жанре «муамма» в узбекской литературе XX века и приводятся сведения о поэтах писавших в жанре «муамма». Показаны поэтические и структурно-смысловые изменения стихов «муамма» узбекских поэтов XX века, а также сделаны выводы о месте жанра «муамма» в узбекской литературе XX века.

Опорные слова и выражения: малые поэтические жанры, жанр «муамма», поэтичность, брошюра «муамма».

Abstract. The paper deals with the genre 'muamma' in Uzbek literature of the twentieth century, and provides information about the poets who have written in this genre. Showing poetic and structural, and semantic change 'muamma' Uzbek poets of the twentieth century, as well as the conclusions on the location of the genre 'muamma' in Uzbek literature of the twentieth century.

Keywords and expressions: small poetic genres, genre 'muamma', poetry, a treatise 'muamma'.

XX асрга келиб мумтоз адабий тур ва жанрларга мурожаат килина бошлади. Булар сирасига ўзбек адабиётидаги муаммо жанрини ҳам киритиш мумкин.

Гарчи XX аср ўзбек адабиётида муаммо жанрига кам мурожаат этилган бўлса-да, бир

қатор шоирлар мазкур жанрида қалам тебратганлар. Ушбу шоирларнинг асарлари мисолида муаммо жанрининг XX аср ўзбек адабиётидаги давомийлиги кўринади. Уларнинг шеърларида жанрига хос анъанавийлик билан бирга янгича жиҳатлар ҳам юзага чиқади.